



# O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2014-yil, 25-sentabr. Payshanba • 115 (31.862) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очик тарзда ўтказилади ва уларда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг ва ҳаракатларнинг кузатувчилари, шу билан бирга сиёсий партиялар вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин.**

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



### «ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўринларини топишига қўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти ҳамкорлигида ўтказилаётган акциянинг навбатдагиси Фарғона вилоятидаги «Мурувват» ногирон болалар интернат уйида ўтказилди.

## ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

### Электорат таклифлари муҳокамада

Парламент қўйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳаларида электорат манфаатларини ифода этиш мақсадида жойларда жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганмоқда. Бу жараёнда партия Марказий Кенгаши ҳамда маҳаллий ташкилотлари билан ўзвий алоқада иш олиб борилмапти.

Учрашувларда, давра суҳбатларида қонун лойиҳалари мутахассислар, электорат вакиллари иштирокида чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд ҳолат ва истиқболдаги масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқиляпти. Бу фракциянинг доимий иш тартибига айланди.

Шундай тадбирлардан бири ўтган ҳафта Сурхондарё вилоятида ўтказилган эди. Унда «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси электорат вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, қатор таклифлар ўртага ташланган эди.

Фракциянинг қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан тузилган ишчи гуруҳи кеча мазкур таклифларни муҳокама қилди.

Эслатиб ўтамиз, ЎзХДП фракцияси аҳолининг санитария — эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлаш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб берилётгани ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиб, мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлаган.

**Алишер СОДИҚОВ,**  
ЎзХДП фракцияси аъзоси:



— Йиғилишда Сурхондарё вилоятидаги муҳокамалар жараёнида эътибор берилган қатор масалалар яна бир бор атрофлича кўриб чиқилди. Хусусан, санитария-эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш учун нафақат давлат назоратини, шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини ҳам кучайтириш, озик-овқат маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотишга, таълим ва тарбия муассасалари фаолияти билан боғлиқ санитария-эпидемиологик талабларни янада такомиллаштириш йўллари ўрганилди.

Ишчи гуруҳ партиянинг дастурида ва фракциянинг фаолиятида аҳоли бандлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этишини инобатга олиб, меҳнат шарт-шароитларига қўйилган санитария-эпидемиологик талаблар юзасидан билдирилган таклифларга алоҳида эътибор қаратди. Чунки электорат вакиллари бу борадаги фикр-мулоҳазалари масала ҳақиқатдан ҳам долзарб эканини аниқлади.

Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳасининг юқорида қайд этилган меъёрларини янада аниқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар маромига етказилди. Мазкур таклифларни масъул қўмитага тақдим этишга келишиб олинди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

### Сиёсий партиялар фаолиятини

#### молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Сиёсий партия тушунчаси, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, фаолият кўрсатиш принциплари, ҳуқуқлари ва улар фаолиятига тегишли бошқа нормалар «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топган. Қонуннинг 1-моддасига кўра, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўйбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

▶ Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 135 та сайлов округи тузилиб, уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2014 йил 7 октябрга қадар матбуотда эълон қилинади.

## МУНОСАБАТ

Юртимизда бу галги сайловлар янада такомиллаштирилган миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган илғор демократик технологиялар асосида ўтказилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг республика матбуот маркази бу жараёнларнинг очиқлиги ва шаффофлигини амалда таъминлашнинг муҳим механизми вазифасини бажаради.

### Очиқлик ва ошкоралик

сайлов адолатли ўтишининг муҳим омили

## БАНДЛИК

### Янги маҳалла гузари

Шўрчи туманидаги «Боботоғ» маҳалласида янги маҳалла гузари ҳамда савдо шохбчаси фойдаланишга топширилди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ ва маҳаллаларда 50 дан ортиқ турли иншоотлар иш бошлаган бўлса, 500 га яқин киши янги иш ўринларига эга бўлди, — дейди ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши раиси ўринбосари Ботиржон Ражабов. — Туман марказидан 25-30 километр олисда жойлашган ушбу тоғолди ҳудудида уч минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Ўз мухбиримиз.



### Интернет-журналистика: Имкониятлар, изланишлар

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

**Партиямиз сайловда муносиб иштирок этади**



www.uzbekistonovozi.uz



Ўзига хос қитъа олимпиадасида ҳар бир учрашув шиддатли ва кескин курашлар остида давом этмоқда. Дунёнинг қирқ беш давлати вакиллари орасида мамлакатимиз спортчилари ҳам мусобақаларда муносиб қатнашяпти.

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:** Инчондан яна хушxabар олдик. Осиё ўйинлари дасту-

ридан жой олган спорт гимнастикаси бўйича кеча бир йўла икки нафар ҳамюртимиз кумуш медалга сазовор бўлди. Жумладан, аёллар ўртасида таяниб сакраш мусобақаларида Оксана Чусовитина шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. Эраклар ўртасида ўтказилган алоҳида снарядлар баҳсида Абдулла Азимов ҳам иккинчи натижани кўрсатди. Яна бир вакилимиз,



Оксана ЧУСОВИТИНА (кумуш)

оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати совриндори Улугбек Азимов (85 кг)



Абдулла АЗИМОВ (кумуш)

қитъа олимпиадасида ҳам ўз маҳоратини намойиш қилди. У даст кўтаришда

164, силтаб кўтаришда 205, жами 369 килограмм натижа кўрсатиб, терма жамоамизга навбатдаги бронза медалини тақдим этди.

Шундай қилиб, XVII ёзги Осиё ўйинларида Ватанимиз спортчиларининг ҳозиргача қўлга киритган медаллари сони жами 10 (3 кумуш ва 7 бронза) тага етди.

(А.ИЛЁСОВ олган суратлар).

4

## Навбат — олтин медалларга

Инчон (Жанубий Корея)да ўтказилаётган XVII ёзги Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз учта кумуш, еттита бронза медалини қўлга киритишди

Жиззах шаҳрида ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда сайлов жараёнларида муносиб иштирокини таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни мавзусига бағишланган минтақавий семинар ўтказилди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.



Муносабат

Яқинда Марказий сайлов комиссияси 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказини ташкил этди. Унинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл ОАВ ходимларига сайловга тайёргарлик ва сайлов жараёнлари ҳақида ўз вақтида ахборот олиш ва уни тарқатиш учун зарур шароит яратиш ҳисобланади. Бу эса фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишида, демократик ислохотларнинг ҳамма учун очиқлигини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Эътироф этиш лозимки, қонунчилигимизда сайлов жараёнларининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга доир мустақам ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги ва бошқа қонун ҳужжатларида бу масалалар ўз ифодасини топган.

Конституцияимизнинг 117-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қаторида ошқоралик ва адолатлилик принциплари белги-



## Очиқлик ва ошқоралик

### сайлов адолатли ўтишининг муҳим омили

кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқора амалга оширишлари, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилишлари лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур Қонунда Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши ҳақидаги меъёр мустақамланган.

Очиқлик ва ошқоралик сиёсий партиялар учун ҳам катта имкониятлар яратади. Чунки, ошқоралик принципига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини ошқора амалга оширади. Унинг мажлиси очиқ тарзда ўтказилади ва уларда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг ва ҳаракатларнинг қузатувчилари билан бир қаторда сиёсий партиялар вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин.

Юртимизда бу галги сайловлар янада такомиллаштирилган миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган илғор демократик технологиялар асосида ўтказилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг республика матбуот маркази бу жараёнларнинг очиқлиги ва ошқоралигини амалда таъминлашнинг муҳим механизми вазифасини бажаради.

**Назира МАТЯКУБОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**  
**ЎзДП фракцияси аъзоси.**

### САФИМИЗДА ЯНГИ АЪЗОЛАР

## Бир гуруҳ фаол ёшлар ЎзХДПни танлади

Маълумки, ЎзХДП Сайловолди дастурида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис партия фаолиятида ёшлар иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда Навоий шаҳрида ана шундай ёшлардан бир гуруҳи ЎзХДПга аъзо бўлди. Улар орасида Навоий давлат педагогика институтининг магистрантлари ҳам бор. Биз улардан айримларининг фикрлари билан қизиқдик.

**Азиза ҲАМРОЕВА,**

**Навоий давлат педагогика институти 2-курс магистранти:**

— Мен мустақиллик тенгдошиман. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларда фаол иштирок этиб, юртимиз раънақиға муносиб ҳисса қўишни мақсад қилганман. Бунинг учун, аввало, бирор бир сиёсий партияга аъзо бўлиш истаги уйғонди. Анча вақт сиёсий партияларнинг фаолиятини ўргандим. ЎзХДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари менга ҳаммасидан маъқул бўлди. Чиндан ҳам, ижтимоий ҳумоғга эҳтиёжманд одамларга ҳар томонлама кўмак бериш, аҳоли бандлигини таъминлашдек эзгу мақсадлар бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб бораётган бугун-

ги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Магистратурани тугатгач, ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўқитувчи ўз соҳасининг етук билимдони бўлиши билан бирга сиёсий маданияти ҳам юқори бўлиши зарур, деб ҳисоблайман. Чунки бизга ёш авлодга сабоқ беришдек масъулиятли вазифа ишониб топширилади. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмасдан партия аъзолиғига қабул қилишларини сўраб мурожаат этдим. Энди ЎзХДП томонидан ташкил этилаётган турли давра суҳбатлари ва семинар-тренингларида фаол иштирок этиб, сиёсий билимларимни янада мустақамлайман.

**Насиба БҮРОНОВА,**

**Навоий давлат педагогика институти 2-курс магистранти:**

— ОАВ орқали сиёсий партиялар фаолиятига оид янгиликлар билан мунтазам танишиб бора-ман. Тўғри, уларнинг барчаси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид турли ташаббус ва лойиҳалар билан чиқмоқда. Аммо бу жараёнларда ЎзХДПнинг алоҳида ўрни бор, деб ўйлайман. Масалан, яқинда ЎзХДП депутатлари ташаббуси билан шаҳримиздаги «Фарход» маданият саройида бўш иш ўрин-

лари ярмаркаси ташкил этилди. Натигада 100 нафардан зиёд фуқаро, асосан, ёшлар ўзларига муносиб иш топди. Шу кунги ишчи бўлган тенгдошларимиз хурсандчилигини кўриб тўғриси мен ҳам севиным. Бундай ҳаракатлар партиянинг нуфузини янада оширади, деб ўйлайман. Амалий ишлар орқали одамлар ишончига сазовор бўлаётган ЎзХДПдек катта куч сафида эканимдан мамнунман.

**Ҳабибулло ЭЛЕНОВ,**

**Навоий давлат педагогика институти 2-курс магистранти:**

— Яқинда ЎзХДПнинг ёшларга қаратилган йирик лойиҳаларидан бири — «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бизнинг институтимиз маданият саройида бўлиб ўтди. Унда томошабин сифатида қатнашдим. Иштирокчиларнинг аксарияти мен тенги ёшлар эди. Улар партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, илгари сурган тақлифлари, ижтимоий лойиҳалари менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни

бартараф этиш бўйича билдирилган фикрлар кўпчилиқда қизиқиб уйғотди. Амин бўлдимки, бу партия ўз атрофиға бинимли ёшларни бирлаштирган. Мен ҳам партия сафиға кириб, келгуси йил ана шу кўрик-танловда иштирок этишни ният қилдим. Бу келгусида депутат, етакчи, сиёсатчи бўлиш орзуларимамалга ошиши йўлида биринчи қадам бўлади, деб ўйлайман.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Илҳом САТТОРОВ ёзиб олди.**

*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2014 йил 27 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш бўйича тақдимномалар киритади.*

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Сиёсий партиялар ўз функцияларини тўла бажаришни таъминлаш мақсадида 2004 йил 30 апрелда сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазкур қонунга кўра, сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- кириш ва аъзолик бадаллари, агар сиёсий партиянинг уставида бундай бадаллар тўлаш назарда тутилган бўлса;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;
- Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан бериладиган хайрия ёрдами.

Сиёсий партиялар барқарор фаолият олиб боришида улар фаолияти давлат томонидан молиялаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришни уч йўналишга бўлиш мумкин.

Биринчи йўналиш сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш. Партия сайлов якунлари бўйича Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда (камида тўққизта) депутатлик ўрнини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқиға эга бўлади.

Иккинчи йўналиш партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятига бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялаштиришдир.

Алоҳида қайд этиш керак, партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш фақат давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда

қўллаб-қувватлаш қонун билан тақиқланади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

- сайловолди кўргазмалари ташвиқот воситаларини нашр қилишга;
- Қонунчилик палатаси депутатлиғига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;
- Қонунчилик палатаси депутатлиғига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;
- Қонунчилик палатаси депутатлиғига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;
- сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланади.

Учинчи йўналиш Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришдир. Фракцияларнинг фаолиятини ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутиллади.

Сиёсий партияларни молиялаштириш манбаларидан яна бири бу партияларга бериладиган хайрия ёрдамидир.

Қонунга кўра, партия хайрия ёрдами фақат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар

бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва фақат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш ҳуқуқиға эга.

Шу билан бирга, қонунда партияларга хайрия ёрдами беришда маълум чекловлар мавжуд. Хусусан, чет давлатлар, чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эл фуқаролари, фуқаролиғи бўлмаган шахслар томонидан сиёсий партияларга хайрия ёрдами кўрсатиш тақиқланади.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахалууси кўрсатилган шахслар томонидан ҳам сиёсий партияларга хайрия ёрдами берилишига йўл қўйилмайди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, 2005 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлади. Мазкур ҳужжат қонунда белгиланган нормаларнинг амалий механизмини кенгроқ очиб берди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг давлат кафолатлари яратилишига ва уларнинг барқарор иқтисодий манбалари шаклланишига олиб келди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган бундай амалиёт партияларнинг дастурий фаолияти самарадорлиғи ошишида, улар ўртасидаги соғлом рақобат муҳити ривожланишида янги имкониятлар яратди.

**Мансур МУСТАНОВ,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг бош мутахассиси.**

Интернет-журналистика:

ИМКОНИЯТЛАР, ИЗЛАНИШЛАР

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

Бундан 20 йил аввал дунё жамоатчилиги томонидан вақт ўтиб, кабель, телефон, телевидение, кино, компьютер технологияларининг биргаликдаги тараққиёти «катта портлаш»га олиб келиши, ҳар бир соҳага кириб бориши, инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолиши тасвирланган эди.

Ушбу технологиялар тараққиёти башорат қилинганидан анча аввалроқ рўй берди. Инсоният аллақачон виртуал олами кашф этди ва унда яшаб келмоқда. Бошқа соҳалар қаторида ОАВ ҳам бундан мустанзо эмас.

«Миллий интернет-журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида пойтахтимизда бўлиб ўтган республика илмий-амалий семинари ушбу муҳим мавзуга бағишланди.

Узбекистон таъкил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳудудий босма ва интернет оммавий ахборот воситалари ходимлари, ЎЗМУ, ЎзДЖТУ журналистика факультетлари талабалари, блогерлар иштирок этди.

1995 йил 29 апрелда «uz» домени рўйхатга олинганидан буён унда жойлаштирилган веб-сайтлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, 2010 йилнинг февраль ойида мамлакатимиз интернет маконида 10 мингдан ортиқ веб-

тиканинг жаҳон медиа майдонидаги аҳамиятини оширмоқда. Ушбу семинар Ўзбекистонда илк мартаба ташкил этилган ва у миллий интернет-журналистика кўлами ошиб боришига, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ином МАЖИДОВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи:

— Ҳозирги кунда ёшларнинг интернетга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Шундай экан, улар ишончли ва ҳолис ахборотни ажрата олиши муҳим масала ҳисобланади. Бугунги семинарда айнан шу соҳа бўйича етук кадрларни тайёрлаш, қўлланадиган, адабиётлар яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тармоқ нашрлари ва умуман интернет соҳасини ривожлантиришга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилаётган. Утган йиллар давомида Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан 65 ахборот-таъҳилий, ижтимоий-сиёсий, англолик йўналишларидаги босма ОАВга интернет тармоғида ўз веб-сайтларини яратишлариغا ёрдам кўрсатилди.

Тадбирда бир қатор масалалар кўтарилди, тегишли йўналишда бўйича тақлифлар билдирилди. Ахборот коммуникация технологияларини ахборот соҳасига жорий этиш, Интернет ОАВ учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ошириш, онлайн режимдаги журналистикани юритиш кабилар шулар жумласидандир.

— Аънавий ОАВ ва медиа компаниялари ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланишлари мумкин, — дейди ЎЗМУ журналистика факультети декани Махлиё Мирсоатова. — Айрим ахборот ташкилотлари ижтимоий тармоқларда иш олиб бориш учун махсус муҳбир ёки муҳаррирларни жалб қилишмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Facebook, Twitter, RSS аудиоториялари учун ҳам хабарлар бериб келмоқда. Шунингдек, маъзур агентлик уяли телефонлар учун мўлжалланган «мобиль версия»дан ҳам унумли фойдаланмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, айни пайтда ЎЗА томонидан дунё мамлакатларига 7 тилда (рус, инглиз, француз, немис, испан, араб, хитой) англоликлар узатишмоқда...

Фарҳод ФАЙЗУЛЛАЕВ, Daryo.uz интернет наشري раҳбари:

— Интернет учун ёзилаётган хабарларнинг бошқа оммавий ахборот воситаларидаги ахборотлардан фарқи ҳажмининг қисқалишидир. Чунки интернет фойдаланувчилари асосий қисми — ёшлар. Ҳозирги кундаги киришнинг ушлаб туриш мақсадида хабарларнинг ҳажми катта бўлмайди. Бизнинг сайтимиздаги асосий муаммо кадрлар етишмаслиги ҳисобланади. Бугунги семинарнинг яна бир ижобий



жиҳати ёш кадрлар билан ҳам бевосита мулоқотга киришиши имконияти яратилди.

Таъкидлаш жоизки, медиа соҳа экспертлари, турдош ташкилотлар вакиллари ҳамда иш-тироқчиларнинг тақлифлари босма ва электрон шаклда тегишли таълим муассасалари, вазирлик, идоралар, етакчи ОАВ таҳрирларига фойдаланиш учун юборилади. Маълумотларга қўра, юртимиз ОАВ веб-сайтларига ҳар ойда 820 мингдан ортиқ фойдаланувчи ташриф буюрмоқда.

— Биз аввало интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз керак, — дейди ЎЗМУ журналистика факультети магистранти Саиджало Саидмуродов. — Модомики, виртуал оламнинг фойдаланувчилари кун сайин кўпайиб бораётган экан, турли вайронкор, ёт гошлар таъсиридан одамларни асрамоғимиз керак. Демак, биз энг намунали ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бадиий асарларимизни интернет саҳифаларига доимий тарзда жойлаштиришимиз лозим. «ZiyoNET» сайтида бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш зарур. Унда мумтоз адабиёти-

миздан торттиб замонавий шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ҳам мунтазам бериб борилади.

Семинарда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, медиа соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш босқичлари, интернет оммавий ахборот воситалари учун кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари, шунингдек, Ўзбекистонда онлайн-журналистикани ривожлантиришнинг амалий жиҳатларига бағишланган маърузалар тингланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги даврий нашрлардан ташқари ижтимоий тармоқларнинг ўзида ҳам Ватанимизни улуғловчи, унинг тарихи ва маданиятини тараннум этувчи саҳифалар мавжуд. Маъзур нашрлар жаҳон медиа маконида Ўзбекистон манфаатларини дадил ҳимоя қилиб келмоқда.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири, Умида МУХТОРБЕКОВА, ЎзДЖТУ талабаси.



Ногирон қария спорт шарофати билан оёққа турди

Ёқутистонлик 65 ёшли Пётр Наумовни маҳаллий аҳоли халқ қахрамони сифатида тан олганига анча йиллар бўлди, дейилади «Мир новостей» ҳафталигида чоп этилган мақолада.

Бунга сабаб, у тўшакка «михланган» ногирон бўлишига қарамай, ўз устида жиддий ишлаб, юқори самарага эришди.

Гап шундаки, бундан 15 йил муқаддам унинг умуртқа погонаси шикастланиб, тўшакка «михланиб» қолган эди. Йиллар давомида ётаверганидан аста-секин юрак, ошқозон ва ичак билан боғлиқ муаммолар пайдо бўла бошлади. Шифокорлар ҳам унинг соғайишига шубҳа билан қарай бошлаган бир пайтда у ўзида куч топиб, оёққа туриш бўйича турли тиббий адабиётларни ўқиб, ўз дастурини тузди ва кучли оғриқ сезса-да, шу дастур устида хар кун ишлай бошлади.

— Уша пайтларда менинг ҳаётимда қора кунлар бошланганди, — дея эслайди Пётрнинг ўзи. — Турмуш урғомини вафот этган, вояга етмаган 6 фарзанд ногирон ота қарамоғида қолган эди. Шунда ўзимда куч топиб, танамдаги оғриқлар азоб берса-да, хар кун маълум вақт давомида машқ қила бошладим. Йиллар ўтиб, спорт машғулотлари мени оёққа тургазди. Сўнг югуриш билан шуғулландим ва Ёқутистоннинг таниқли марафончисига айландим.

2009 йилда эса марафончи-пенсияонер бутун Россия ҳудудини югуриб босиб ўтишга тайёрлигини маълум қилганда маҳаллий аҳоли ишонмади. Лекин у айтганини қилди: март ойида Болтик денгизидagi Таран бурнидан марафонини бошлаб, октябрь ойида Примор ўлкасидаги Буюк Пётр қўлтигида уни якунлади. 245 кун давомида у 12 минг километр 9 метрлик масофани югуриб ўтди.

Яқин кунларда эса у яна 3 минг километрлик марафонча югуришни режалаб турибди. Бу гал у Новгород областидан Севастополгача югуриш ниятида.

Оқ айиқлар ҳақидаги гаплар асосисз


Кейинги пайтларда иқлим ўзгаришлари натижасида Арктика музликлари эриб бораётгани, бу эса маъзур жойларни макон тутган оқ айиқлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши ҳақидаги гап-сўзлар кўп айтилмоқда. Ҳатто кўз айиқларини ўрганиш бўйича мутахассислар гуруҳи ҳам иқлимшуносларнинг бу гапларини тасдиқлаган.

Бирок оқ айиқлар ҳаётини йиллар давомида кузатган ва илмий ўрганган олимлар бу гапларда асос йўқлигини айтмоқдалар. Уларнинг гапларига қараганда, табиатнинг бу мўъжизавий жонивори сайёрамизда 4 миллиард йилдан бери яшайди, бу уларнинг турли иқлим ўзгаришларига бардошли ва мослашувчан, шу билан бирга ўта яшовчан эканлигини кўрсатади.

Демак, ҳозир кузатилаётган ва кейин ҳам кузатилиши мумкин бўлган иқлим ўзгаришлари улар ҳаётига ҳеч қандай хавф солмайди. Улар Арктикада музликлар пайдо бўлмасидан аввал ҳам яшаган.

Оқ айиқларнинг озукасиз узок вақт яшау қудратига эғалиги ҳайрон қоларли даражада. Масалан, ҳатто ҳомиласи бор оқ айиқлар айрим пайтларда 8 ойлақ емиш тополмайди. Бу пайтда улар терига йиғилган ёғлар ҳисобига кун кўради.

Канада шимолида яшовчи инуитлар ҳам оқ айиқларга ҳеч қандай хавф йўқлигини тасдиқладилар. 30 йилдан бери оқ айиқларни кузатиб, ўрганиб келаётган таниқли биолог Митчелл Тейлорнинг ҳисоб-китобига, айни пайтда Арктикада 25 минг атрофида оқ айиқ борлиги аниқланган бўлса, уларнинг 60 фоизи Канада шимолида яшайди. Уларда кўпайиш жараёни мезёрий ҳолатда.



Тағдир

Самарқандда вилоят хотинқизлар қўмитаси ва соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида «Аҳолининг репродуктив саломатлигини тиклаш ва аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Аҳоли саломатлиги эътиборда

Анжуманда Президентимизнинг 2014-2015 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасида Давлат дастури тўғрисидаги қарорининг ижросини таъминлашдаги энг муҳим вазифаларга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.



Шунингдек, аёлларнинг фарзандли бўлишларида оралқик даврни ҳисобга олиш, ҳомилдорлик пайтида ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиш, саломатлигини тиклагандан кейинги яна фарзанд кўришни режалаштириш кераклиги она ва бола саломатлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнигида бу борада соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этиш муҳимлиги белгилаб олинди.

Абдурашул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Президентимизнинг Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курсларини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида маҳалла мутасаддилари учун малака ошириш ўқув курси ташкил этилди.

Маҳалла фаоллари малака оширмоқда

Ўқув машғулотларини малакали, кўп йиллик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар олиб бормоқда. Шунингдек, бандликка кўмаклаш маркази, архив иши бошқармаси, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши, сиёсий партиялари ва фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти етакчи мутахассислари жалб қилинган.

Ўқув машғулотлари замонавий педагогик технологиянинг интерфаол метод ва усулларида, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда қизиқарли тарзда ташкил этиляпти.

— Ўқув курсимизда жорий йилнинг сентябрь ойига қадар вилоятимиз ҳудудидаги маҳаллаларда раис, масъулаҳатчи, котиб ва посбон

бўлиб ишлаётган ходимларнинг 765 нафари малакаларини оширди, — дейди ўқув методик бўлим бошлиғи Матлуба Мамадалиева. — Курсимизга ҳар ой 200 нафар тингловчи қабул қилинади. Ўқув машғулотлари якунида давра суҳбати тарзида тингловчилар томонидан тайёрланган синов малака иши ҳимояси ўтказилди.

Эътиборли томони шундаки, ўқув курси ходимлари томонидан мониторинг анкета ташкил этилган. Анкета ўқув курси якунида таҳлил қилиниб, тингловчилар билдирган тақлиф ва мулоҳазалар асосида машғулотлар такомиллаштирилмоқда.

Ўқув курсимизда жорий йилнинг сентябрь ойига қадар вилоятимиз ҳудудидаги маҳаллаларда раис, масъулаҳатчи, котиб ва посбон

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Ичимлик суви таъминоти яхшиланмоқда

Бундан аҳоли миннатдор бўлмоқда

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида чекка қишлоқларда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Денов туманидан 10 километр олисда жойлашган «Кўчакли» ва «Янги қишлоқ» маҳаллаларида яшовчи 7 минг нафардан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлади.

Қисқа вақтда умумий узунлиги 5,4 километр сув қувурлари ётқизилди, — дейди Анбар айылмақомидаги раис, ЎЗДП аъзоси Фурқат Аслонов. — Ушбу ислохотлардан одамлар миннатдор бўлмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Table with 5 columns: T/p, Object name, Estimated price, Estimated price, Deadline. It lists three construction projects in Namangan region.

Буюртмачи: Наманган вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй. Тел: (8369) 233-53-78, 233-06-11. Лойиҳани молиялаштириш: Республика йўл жамғармаси маблагли ҳисобидан амалга оширилади. Диққат! 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади. Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киририлган пудратчи ташкилотларга рухсат этилади, танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридagi айланма маблағни ёки бېрсабти ўтилган маблағни кўришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, мутахассислар, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибаси,

мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиш бериладиган тендер тақлифлари қатнашчиларнинг тендер тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Наманган вилоят қурилиш-савдо танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, тел/факс: (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпلامининг нархи — 100 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.



# O'ZBEKISTON OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## «ХАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ»

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди А К Ц И Я С И

Фаргона вилояти, 2014 йил 11 сентябрь, «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи.



Интернат уйи майдони байрамона безатилган. Ҳам-манинг кўзида ҳаяжон, қувонч, мамнуният... Айниқ-са, болажонлар бу учрашувга ўзгача тайёргарлик кўрганлиги нигоҳларидан сезилиб турибди. Меҳрнинг қудратини қарангки, интернат уйи ходимлари билан худди узоқ йиллик қадрдошлардек кўришиб, бир зумда самимий суҳбат бошланди. «Мурувват» уйи ҳаёти, болалар учун яратилган шароитлар, келгусидаги эзгу мақсадлар ҳақида фикр алмашилди.

**Иброҳим ЭГАМБЕРДИЕВ, интернат уйи директори, ЎзХДП фаоли:**

«Хар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни» акцияси ҳақида эшитиб, уни бизнинг муассасамизда ҳам ўтишини орзу-киб кутдик. Тарбиячилар, болалар бу кунга алоҳида тайёргарлик кўришди. Ким шевър ёдлади, ким-дир кўшиқ, рақс тайёрлади.

Интернат уйи 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 220 нафар ногирон бола тарбияланмоқда. Уларда ўз-ўзига хизмат қилиш ва ҳаётий кўникмаларни шакллантириш мақсадида 30 нафар тарбиячи ҳамда 100 нафар энага мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда.

Муассасамизда сўнгги йилларда қуриш, таъмирлаш, ободонлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан эгзи ошхона, замонавий болалар ўйингоҳи, амфитеатр ва чўмилиш ҳавзаси, шунингдек, жаҳон андозаларига жавоб берадиган мини футбол майдончаси барпо этилди. Бундан ташқари, қишки спорт зали мукамал таъмирдан чиқарилди.

Бу эса болаларнинг спорт билан шуғулланиши, саломатликларини тиклаши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишида муҳим аҳамиятга эга.

Интернат уйида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган бўлиб, у ерда ҳомийлар маблағи ҳисобидан иссиқхона қуриб битказилди. Ҳозирда иссиқхонада лимон, кўкатлар ва зирavorлар еттиштирилиб, кундалик эҳтиёжлар учун ишлатилмоқда.

Умуман олганда, интернат уйи-мизда давлатимиз томонидан болалар учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган. Бугун ўтаётган акция болаларнинг кайфиятини кўтариш, уларнинг руҳан қўллаб-қувватлаш, ҳаётга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга.

**Асрор МИРЗАХМЕДОВ, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви раиси:**

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондининг ҳам ана шу йўналишда ўз ўрни бор, албатта. Қатор ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилаётган ушбу акция бу борадаги муҳим ишларимиздан биридир.

Интернат уйида болалар учун яратилган шароитларни кўриб, тўғриси бу ерда меҳнат қилаётган инсонлар ўз касбини, болаларни

қанчалик севишининг гувоҳи бўлдик. Тарбиячиларнинг, болаларнинг кайфияти юқори, ҳаётга иштиёқи баланд. Бу маскандаги ободлик уларнинг кўнглига кўчгандек.

Ушбу интернат уйига фондимиз томонидан 5 миллион сўмдан ортқ хомийлик ёрдами кўрсатилди, ҳамкор ташкилотлар томонидан доридармон воситалари ажратилди. Менинг назаримда, энг асосийси болаларга, шу ерда меҳнат қилаётган фидоий инсонларга эътибор кўрсатиш, уларга қўлимиздан келганча меҳр улаштириш.

**Иброҳим ҚАҲҲОРОВ, интернат уйи шифокори:**

Болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ҳозирги кунда муассасада 4 нафар малакали врач ва 18 нафар ҳамшира фаолият олиб бормоқда. Муассасанинг тиббий бўлими барча зарур тиббий жиҳозлар, воситалар билан таъминланган.

Бизда болалар саломатлиги доимий равишда назорат қилиб борилади. Улар бир йилда икки марта тўлиқ шифокорлар текширигидан ўтади. Тарбияланувчилар соғлигини тиклашда нафақат доридармонлар, балки спорт ҳамда турли замонавий техник воситалардан ҳам кенг фойдаланишга ҳаракат қилаёмиз.

Хусусан, «Мурувват» уйининг 50 ўринли ётоқхонасида сенсорика ҳамда қўл моторикасини ривожлантириш хоналари ташкил этилган. Булар болаларнинг тўлиқ ривожланиши, жисмоний ва руҳий тикланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда мутахассислар томонидан машгулотлар ўттилади.

Бугун акция доирасида бизга дори-дармонлар ҳам олиб келинди. Эътибор ва ғамхўрликлар учун миннатдоримиз.

**Мухтор УСМОНХЎЖАЕВ, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди васийлик кенгаши аъзоси:**

Ушбу лойиҳа бошланаётган пайтда унинг қўлами бу қадар кенгайиб кетишини ўйламаган эдик. Қарангки, ҳар қандай эзгу ташаббусни қўллаб-қувватлайдиган, унга кўмак берадиган инсонлар топилар экан. Бугунги акциянинг ҳам ана шундай файзли, юқори савияда ўтишида кўпчиликнинг ҳиссаси бор.

Хусусан, «Узфармасаноат» давлат акциядорлик концерни томонидан дори-дармон воситалари ажратилди. Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Акрам Ҳошимов ҳам бу ишга бош қўшди. Уйлайманки, бундан кейин ҳам улар билан ҳамкорлигимиз изчил давом этади.

Очиғи, муассасада ташкил этил-

ган жонли бурчак жуда ҳам маъқул бўлди. Бу ердаги қўён, қабутар, ўрдак ҳамда уй хайвонлари болаларда табиатга меҳр уйғотади.

**Акмал ДАВЛАТШАЕВ, Фаргона вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи:**

Ушбу акциянинг вазирилик-миз тизимидаги «Мурувват» уйларида ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Олдинги тадбирлар ҳақида матбуотдан ўқиб хабардор бўлган эдик. Акциянинг наватдагисини вилоятимизда ўтаётгани бизни жуда ҳам қувонтирди.

Ушбу интернат уйи доимий эътиборимизда туради. Давлатимиз томонидан барча имконият ва шароитлар яратиб берилган. Болаларнинг озик-овқат, кийим-кечак таъминоти, санитар-гигиеник вазият мунтазам назорат қилиб борилади. Бугунгига ўхшаш байрам кечалари, тадбирлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунки кўпчилик болалар бу ерда ташқи дунё билан фаол алоқага кириша олмайдилар. Шу боис улар бу каби тадбирни хуш кўришади...

«Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида «Мурувват» уйида 2014-2015 йилларда 200 ўринли ётоқхона биносини қуриш ва ошхонани реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бунинг учун 5,3 миллиард сўм маблағ йўналтириш режалаштирилган.

**Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири биринчи ўринбосари:**

Фаргонага бизни сиз азиз болажонларнинг меҳри бошлаб келди. «Мурувват» уйи остонасидан ўтиб, тўғриси сизлар учун яратилган шароитлар, сизларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни кўриб бошимиз осмонга етди. Фаргона вилоят ҳокимлигига, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига, айниқса, интернат уйи директориға миннатдорлик билдираимиз.

Бир китобда ўқиган эдим: *Дунёни топширайлик болаларга, ҳеч бўлмаса бир кунга, ол алвон бир шар каби берайлик уйнасинлар. Уйнасинлар кўшиқлар қўйлаб юлдузлар орасида. Дунёни болаларга топширайлик улкан бир олма каби, иссиқ нон каби топширайлик. Бир кун бўлса ҳам ўргансин дунёга йўлдошликни. Болалар дунёни олажақ қўлимиздан...*

Соғлом бола йили муносабати билан бошланган акциямизни энг аввало, ўзимизнинг қалбимизни эритдик. Шунингдек, таъкидлашни ис-тайман. Бугун бизга хайрихоҳлар, ҳамкорлар сафи кенгаймоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги раҳбарлари мазкур акциямизни қўллаб-қувватламоқда.

«Мурувват» уйдан чиқар экан-миз Нурулло исми болакай юзида табассум ила биз билан хайрлашди. Уни нима деганини эшитмадим. Барибир қизиқиш учун келди. Ҳамроҳларимдан сўрасам, Нурулло «Раҳмат, яна келинлар» деган экан...

**Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

**СПОРТ**

### Навбат — ОЛТИН медалларга



Мусобақаларнинг дастлабки кунларида дзюдочиларимиздан Дилшод Чориев (90 кг) кумуш, Мирзохид Фармонов (66 кг), Рамзиддин Саидов (100 кг), Абдулла Тангриев (+100 кг) бронза медали билан тақдирланганди. Шунингдек, оғир атлетика бўйича Махлиё Тоғаева (48 кг) ҳам шохсупанинг фахрли учинчи погонасидан жой олганлигини хабар қилгандик.

Осиё ўйинларининг навбатдаги баҳслари ҳам Ўзбекистон спортчилари учун муваффақият-ли кечди.

Дзюдо бўйича ўтказилган жамоавий беллашувларда полвонларимиз китъада ўз мавқеига эга

риндорлари Жасур Латипов (52 кг), Элшод Расуллов (75 кг) каби боксчиларимиз рингга кўтарилмайдилар. Аммо Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, тажрибали мутахассис Марс Кўчқоров эса бокска бир қатор ёш



Нодирхўжа ЮЛДАШЕВ олган сурат.

эканликларини намойиш қилдилар. Пекин ва Лондон олимпиадалари совриндорлари, икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров (60 кг) сардорлигида гиламга чиққан вакилларимиз биринчи баҳсда голибликка асосий даъвогар ҳисобланган Япония терма жамоасини мағлубиятга учратди. Биринчи учрашувда катта куч сарфланганлиги Қозоғистон дзюдочилари билан кечган беллашувларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Учинчи ўрин учун ўтган учрашувда эса ҳамюртларимиз Эрон терма жамоасини катта устунлик билан енгди ва навбатдаги бронза медалини терма жамоа жамоармасига тақдим этдилар.

Теннис бўйича бўлаётган мусобақада Ватанимиз шарафини Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Санжар Файзиев, Тимур Исмоилов каби тажрибали теннисчиларимиз ҳимоя қилишарди. Эркаклар ўртасида ўтказилган жамоавий баҳсларда вакилларимиз Осиёнинг етакчи спортчиларига қарши корта қичиб, мусобақанинг навбатдаги бронза медални билан тақдирландилар.

Мамлакатимиз мутахассислари ва спорт мухлислари боксчиларга катта умид боғлашмоқда. Кеча ушбу спорт тури бўйича учрашувлар бошланди. Тўғри, мазкур нуфузли мусобақада охириги жаҳон чемпионати сов-

истеъдодларга ишонч билдирган.

— Тажрибали боксчилар меҳнатини ҳамиша қадрлаймиз ва шу билан бир қаторда янги номларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак, — дейди Марс Кўчқоров. — Яна икки йилдан кейин Рио-де-Жанейрога навбатдаги ёрғи Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Мақсадимиз — ана шу мусобақага пухта тайёргарлик кўриб, кўпроқ йўлланмаларни қўлга киритишдир. Инчон рингларидидаги беллашувлар таркибимиздаги ёшлар учун ўзига ҳос синов ҳамда тажриба мактаби вазифасини ўтайди. Унда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Ҳасанбой Дўсматов (49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (52 кг), Муроджон Аҳмадалиев (56 кг), Элнур Абдурайимов (60 кг), Достонбек Турдиев (64 кг), Исроил Мадримов (69 кг), Хуршидбек Норматов (75 кг), Ойбек Мамазулонов (81 кг), Рустам Тўлаганов (91 кг), Мирзохиджон Абдуллаев (+91 кг)ларнинг ҳар бири фақат голиблик учун курашади.

Кеча, шунингдек, ҳамюртларимиз сузмиш, камондан ўқ отиш, академик эшакка эшиш, қўл тўпи, спорт гимнастикаси, оғир атлетика каби яна ўнта спорт тури бўйича майдонга чиқдилар.

Мамлакатимиз мутахассислари ва спорт мухлислари боксчиларга катта умид боғлашмоқда. Кеча ушбу спорт тури бўйича учрашувлар бошланди. Тўғри, мазкур нуфузли мусобақада охириги жаҳон чемпионати сов-

**Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Тошкент шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан 2013 йил 25 январда О'У 444007-сон билан «МАК-KUR SERVICES» масъулияти чекланган жамиятига берилган Юнусобод тумани, Амир Темури кўчаси, «Марказ-Бда» жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасининг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан «МАК-KUR SERVICES» масъулияти чекланган жамиятига берилган Юнусобод тумани, Амир Темури кўчаси, 86-уйда жойлашган қурилиш тугалланмаган бинонинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Газетанинг навбатдаги сони 30 сентябрь, сешанба кунни чиқади.

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
Г — 959  
11425  
nuxxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 20.35  
Topshirilgan vaqti — 23.40  
**Sotuvda kelishilgan narxda**

Navbatchi:  
**Ravshan SHODIYEV**  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Zafar BAKIROV**  
**Behzod ABDUNAZOROV**  
ISSN 2010-7433  
1 2 3 4 5